



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 18 февраль, № 34 (6469)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



Йирик лойиҳа амалга оширилди

Жиззах

Фаллаорол туманилик тадбиркорларнинг юқори сифатли деворбоп материаллар ишлаб чиқаришга доир таклифи европалик инвесторларга ҳам маъқул келиб, "Kristall-Fuyin-Industries" қўшма корхонасига асос солинди.

Лойиҳа ижросига 1 миллиард 650 миллион сўм миқдорида сармоя йўналтирилди. Йилига 2,5 миллион дона маҳсулот тайёрлаш қуввати-

га эга технологиялар ишга туширилиб, 40 нафар мутахассис жамоа сафига қабул қилинди. Хозирги кунда корхонанинг импорт ўрнини босувчи деворбоп материалларига қурилиш ташкилотларидан буюртмалар тушмоқда.

Эътиборлиси, жорий йилда туманда яна 2 та ана шундай ишлаб чиқариш субъекти ташкил этилиши мўлжалланмоқда.

Тождидин ҚАМАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Талабга мос таклиф

Фарғона

Риштон туманида фаолият юритаётган хорижий корхона йилига 3400 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. У ерга ўрнатилган илгор технологиялар 400 нафар ишчи-мутахассис томонидан бошқарилмоқда. Хусусан, ўтган йили корхонада 3143,5 тонна маҳсулот тайёрланиб, ички ва ташқи бозорга чиқарилди.

Хорижийликлар буюртмалари кўпчилиги боис жамоа жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишни мақсад қилган.

Ўтган йили туманда 160,9 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланиб, 2014 йилдагига нисбатан 110,5 фоиз ўсишга эришилди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фаолият кўлами кенгаймоқда

Хоразм

Боғот туманидаги "Ал-Улуг транс" масъулияти чекланган жамияти дастлаб 1,5 миллиард сўмлик банк кредити эвазига юк ташиш хизмати кўрсатиш йўналишида фаолият бошлаган эди. Эндиликда жамоа йўл қурилиши ҳамда уй-жойлар барпо этиш жараёнида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, корхонада меҳнат қилаётган 50 нафардан зиёд мутахассислар томонидан ўтган

йили турли объектларда 9 миллиард 300 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Хозирги пайтда корхона энг замонавий юк автомобиллари, қудратли экскаваторлар ҳамда бошқа техника воситалари билан таъминланган эга. Жамият ходимлари улардан унумли фойдаланиб, бу йил 10 миллиард сўмлик бунёдкорлик юмушларини амалга ошириш ҳаракатида.

Ойбек РАХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Юқори сифат ва замонавий дизайн

тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж товарлари экспорти кўпайишига хизмат қилмоқда

Жаҳонда ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари кузатилиб, унинг рақобатдошлиги таъминланмоқда. Буни енгил саноат корхоналарининг ташқи бозорлардаги фаоллиги ошиб, тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётгани мисолида аққол кўриш мумкин.

АНЖУМАН

Гал шундаки, 2015 йил якунларига қўра, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти тасарруфидagi экспортчи корхоналар сони 254 тага етиб, улар томонидан чет эллик буюртмачиларга 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд маҳсулотлар сотилди. Унинг таркибида тайёр тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотларининг улуши 42 фоизни ташкил этгани, айниқса, қувонарлидир

Пойтахтимизда "Ўзбекенгилсаноат" АЖ томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди.

Таъкидландики, кейинги йилларда хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, янги қувватларни фойдаланишга топшириш, мавжудларини тубдан модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инвестиция дастури бунда муҳим аҳамият касб этапти. Унинг доирасида ўтган йили 187,3 миллион долларлик сармоя ўзлаштирилиши эвазига 33 та янги корхона фаолияти йўлга қўйилиб, 12,5 мингта иш ўрни очилди.

— Сўнгги бир йил давомида жамиятимиз тизимидаги корхоналарда 75 турдаги янги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилиб, уларнинг умумий тури қарийб 190 тага етказилди, — дейди "Ўзбекенгилсаноат" АЖ бош бошқармаси бошлиғи Дилбар Мухаммедова. — Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3 триллион сўм, халқ истеъмоли моллари 1 триллион сўмликдан ошди.

(Давоми 2-бетда).



ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ САМАРАЛАРИ

юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш ҳамда рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашда ўз ифодасини топапти

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай дедилар: "2015 йилда амалга оширган кенг қўламли, узққни кўзлаган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш эркин тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар йўлини очиб бериш, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажмини ошириш ва жорий этиш иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаш бўйича ўз ижобий таъсирини берди".



Дарҳақиқат, иқтисодиёт ривож, авваламбор, инвестиция сиёсати қандай олиб борилаётгани билан чамбарчас боғлиқ. Чўқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишга қаратилган лойиҳалар ижроси-

да жалб этилаётган сармояларнинг мақсади йўналтирилиши, айниқса, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Замонавий корхоналарни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳалар ижроси учун

ўзлаштирилаётган сармоялар ҳажми йил сайин ортиб бора-япти. Биргина 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбаси ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилгани ва ўзлашти-

рилгани, бу борада аввалги йилдагига нисбатан 9,5 фоиз ўсишга эришилгани бунинг аққол далилидир.

Юртимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда маҳаллий хом ашё ресурс-

ларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этишга қаратилган лойиҳаларга устувор аҳамият берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



ҚАРОР ВА ИЖРО



МУНОСАБАТ

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида вояга етказишга қаратилган улкан эътибор таълим-тарбиянинг муҳим бўғини ҳисобланган болалар спортни ривожда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш

соғлом авлодни тарбиялашда
муҳим аҳамиятга эга

Бинобарин, спорт нафақат саломатлик ва jismoniy chiniqish omili, balki vatanparvarlik, qat'iyatlilik, hamjihatlik kabi fazilatlarining shakllanib borishi, ma'naviy etuklikka erishishda alohida urin tutishini barqamol ug'il-qizlarimiz timsolida aq'ol kuryapmiz.

Президентимиз Исом Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги ййғилишида таъкидлаганидек, "Бизнинг қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз тараққиётида ҳар томонлама фахрланишга арзийдиган буюк алломулар, ноёб обидалар, енгилмас саркардалар, пахлавон ва баҳодирлар жуда кўп бўлган. Бугун ёшларимиз ана шундай улуг аждодларимизнинг ворислари сифатида барча жабҳада, жумладан, спортда ҳам дунё миқёсида энг юксак шохсупаларга кўтарилиб, халқимизнинг гурур ва ифтихорини оширмоқда".

Дарҳақиқат, мамлакатимизда "Фарзандлари

соғлом юрт қудратли бўлур", деган мезонга муштарак равишда болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада қатор қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, навқирон авлод вакиллари ўртасида спортни омаллаштириш, шу орқали миллат генофондини яхшилаш, халқаро майдонда Ватанимиз шаънини муносиб ёлмоҳия базасига эга спорт объектларининг доимо болалар билан гавжумлиги, ҳаётга катта мақсадлар билан кириб келлаётган ёшларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда залворли ютуқларга эришаётгани ушбу соҳанинг нечоғли жадал суръатда таракқий этаётганини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда).



ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Пойтахтимизда давом этаётган минифутбол бўйича Осиё чемпионатининг чорак финал бахслари якунланди.

Терма жамоамиз жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди

Унда Ўзбекистон терма жамоаси Ироқ футболчиларига қарши кечган муросасиз беллашувда 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Бу орқали вакилларимиз нафақат ярим финал, балки жорий йил Колумбияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасини ҳам қўлга киритди. Терма жамоамизга муваффақият келтирган голларга Дилшод Раҳматов (2 та) ва Нодир Элибоев муаллифлик қилди.

(Давоми 4-бетда).



Берлинда Алишер Навоий ижодий меросига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маърузачилар Навоий ижоди ўзбек ҳамда туркий халқлар адабиёти тараққиётига улкан таъсир кўрсатганини эътироф этишди. Шоирнинг ижодий мероси қарийб 30 та шеърый тўпламда, йирик дostonлар, насрий ва илмий асарларда ўз ифодасини топган. Илк маротаба туркий тилда битилган “Хамса” (Беш дoston) асари Мовароуннаҳр адабий аъёнларида янги даврни бошлаб берди.

Шунингдек, сўзга чиққан олимлар Алишер Навоий нафақат буюк шоир ва мутафаккир, балки Темурийлар даврининг йирик давлат арбоби бўлганини ҳам тилга олди. Буюк шоир Хўросон ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган.

Алишер Навоий маънавий хазинаси ўзбек халқининг улкан илмий-маданий бойлиги эканлиги Ўзбекистон вакиллариининг чиқишларида таъкидланди. Шу ўринда, Навоий ҳамда ўзбек замини-

да яшаб ижод қилган бошқа буюк аллома ва мутафаккирлар меросини асраб-авайлашга ҳамда ўрганишга Президент Ислом Каримов томонидан катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1991 йил юртимизда “Алишер Навоий йили”, деб эълон қилинганди. Мустақил ривожланиш йиллари давомида мамлакатимизда шоирнинг йигирма жилддан иборат тўла асарлари тўплами нашр қилинди, республикада ҳамда хорижий давлатларда буюк шоирга эҳтиром рамзи сифатида улуғвор ҳайкаллар қад ростланди.

Конференция доирасидаги мунозаралар ва ўзаро мулоқотлар чоғида Алишер Навоий ижоди ўзбек тилининг бутун гўзаллигини, унинг бойлиги ҳамда назокатини дунёга очиб бергани ва у қолдирган мерос жаҳонда ҳамон катта қизиқиш уйғотаётгани юзасидан тадбир иштирокчилари яқдил фикр билдирдилар.

Шуниси ҳам диққатга

сазворки, ҳозирги пайтда Берлин давлат кутубхонасида алломанинг 30 га яқин турли асарлари қўлёзмалари сақланмоқда. Навоий ижодидаги чуқур фалсафа, поэтик образлар турфа хиллиги адабиёт мухлисларини ўзига жалб этаётир. Мухтасар айтганда, Навоий феномени Ўрта асрлар Шарқидаги ўзбек халқи ҳамда бошқа халқлар маданияти ва маънавий ҳаётининг равнақи ҳамда гуллаб-яшнашининг тажассу-мидир.

Берлин давлат кутубхонасидаги мазкур анжуман доирасида Алишер Навоий ижоди ҳамда Темурийлар даври маданияти ва санъати, шунингдек, Ўзбекистоннинг замонавий маънавий-маданий ҳаётининг турли қирраларини очиб берадиган китоблар ва Ўрта аср қадимги қўлёзмаларининг катта қўрғазмаси ҳам ташкил этилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси номидан Берлин давлат кутубхонаси фондига Навоий асарларининг тўла тўплами ҳамда бошқа ўзбек ижодкорларининг асарлари тақдим қилинди.

Тадбирдан олган таассуротларини ўртоқлашар экан, **Берлин эркин университети профессори Клаус-Питер Хаазе** Навоийнинг ижодий меросига бағишланган мазкур халқаро конференция Германия пойтахтининг илмий ва маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлганини таъкидлади. Немис олим дунёдаги йирик маданий марказлардан бири сифатида Ўзбекистон ўзининг буюк

ажодлари — шоирлари, олимлари, рассомлари ва давлат арбобларини беҳад эъзозлашини юқори баҳолади.

— Шунга қайд этиш жоизки, Алишер Навоийнинг жаҳон адабиёти равнақига қўшган ҳиссаси маданиятлараро ҳамкорликнинг ёрқин мисоли ҳисобланади, — деди олим. — Ахир унинг ижодида Шарқнинг барча мавзу ва адабий аъёнлари ўз ифодасини топган. Ишончим комилки, бугунги халқаро анжуман буюк ўзбек шоирининг ижодий мероси жаҳонда янада оммалашувида хизмат қилади.

Берлин эркин университети профессори Элизабета Рагагнин ҳам ушбу тадбир сўнгги 15 йил давомида Европада Навоий ижодида бағишланган энг нуфузли илмий анжуман бўлганини билдирди. Экспертнинг айтишича, мазкур форум буюк шоир ва мутафаккир фаолияти юзасидан фикр алмашиниш ва уларни баҳолаш имкониятини яратгани билан бирга, Навоийнинг улкан маънавий-маданий меросини ўрганиш соҳасидаги халқаро илмий алмашувларга янги туртки ҳам берди.

— Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланган бугунги конференциядан катта маънавий озуқа олдим, — деди **Гумбольдт номидаги Берлин университети профессори Ингеборг Бальдауф**. — Анжуман катнашчилари шоир ижоди ҳақидаги ўз фикрларини баён этганлари баробарида, ўзбек мадания-

тининг ранг-баранглигидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Бундай форумларнинг ўтказилиши ўзаро ҳамкорликда жаҳондаги илмий ва маданий мероснинг авлодлардан авлодларга ўтишига ҳисса қўшишга, Ўзбекистон, Европа, Осиё ва Америка олимлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Ўзбек касбдошларимиз билан ҳамкорлигимиз давом этишига ва янада ривожланишига умид қиламиз.

Францияда Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси раиси Фредерик Брессан буюк шоир ва мутафаккирнинг Темурийлар даври маънавий ҳаётида тутган ўрни жуда катта эканлигига эътибор қаратди. Доно сиёсий арбоб ва олим сифатида у дунё адабиёти, илм-фани ва санъати тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшди.

Ф. Брессаннинг фикрича, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ёшлар тарбиясида, халқлар ўртасида дўстлик, тинчлик, муҳаббат ва толерантлик ғояларини илгари суриш учун маънавий манба бўлиб хизмат қилади. Чунки у ўз асарларида ана шундай эзгуликларни таранум этган.

— Шунинг учун ҳам Навоийнинг ижодий мероси бутун инсониятнинг бойлиги бўлиб қолди, — деди у. — Асрлар ўтган бўлишига қарамасдан, унинг ижоди кўпгина халқларнинг хотирасидан жой олган ва бугунги кунгача барчамизга илҳом бахш этиб келади.

Ўз навбатида, Ф. Брессан

ўзбек халқининг ноёб тарихий-маданий меросини қўллаб-қувватлаш ва тарғиб этишга Ўзбекистон раҳбарияти томонидан йўналтирилган саъй-ҳаракатларга юқори баҳо берди.

Танилки немис олими Барбара Келлнер-Хайнкеле мазкур халқаро тадбир навоийшunos олимлар иштирокида юқори даражада ташкил этилганини айтди. Унинг фикр билдиришича, тақдим қилинган маърузалар, жумладан, ўзбекистонлик олимларнинг чиқишлари ахборотларга бой ва жуда мазмунли бўлди. Тақдимотлар чоғида Навоий ижодининг турли қирралари юзасидан қатор янги фикр-мулоҳазалар, баҳолар ва қарашлар билдирилди.

Калифорния университети (АҚШ) профессори Марк Тутон бир неча йиллардан буён Алишер Навоийнинг ижодий меросини ўрганиш билан шуғулланаётганини маълум қилди. У ўзининг 2014 йили ёқлаган докторлик диссертациясида Алишер Навоийнинг “Хамса”сини ўрта асрлардаги бошқа муаллифларнинг турдош асарлари билан қиёсий таҳлил қилганини айтди. “Шоир ижодини ўрганишни бошлабқ, унинг нақадар буюк даҳо эканлигини англадим”, дея таъкидлади америкалик олим.

Шуниси ҳам диққатга сазоворки, конференция чоғида М. Тутон ўзбек тилини қай даражада яхши билишини ҳам намоён қилди. У илмий-тадқиқот ишлари билан Ўзбекистонда ўтказган йилларини илиқ сўзлар билан ёдга олди.

Ўзбекистон Миллий университети профессори Афтондил Эркинов билдирганидек, Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланган халқаро конференциянинг Германия пойтахтида ўтказилиши жаҳон адабиёти ва маданияти равнақи-га бебаҳо ҳисса қўшган буюк бобокалонимиз ижодида нисбатан Фарбда катта эътибор мавжудлигидан далолат беради.

— Берлиндаги ушбу конференция чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ўзбек халқининг бебаҳо маънавий ва маданий меросини қайта тиклаш ҳамда асраб-авайлаш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан АҚШ, Европа ва Осиёдан келган ҳамкасбларимиздан кўп ижобий фикрларни эшитдик, — деди ўзбек олими.

Халқаро анжуман буюк шоир ғазаллари қуйланган “Мақом кечаси” маданий дастури билан якунланди. Ўзбекистон элчихонаси биносида ўтказилган мазкур тадбирда икки юз нафардан зиёд адабиёт ва санъат ихлосмандлари қатнашди.

Немис санъатшунос олими, доктор Ангелика Юнг кеча иштирокчиларини кўп асрлик ўзбек мумтоз мақомчилик санъати аъёнлари билан таништирди. Ўзбекистон халқ артисти Муножад Йўлчиева ижросидаги мумтоз ашуларлар эса кечага алоҳида шуқуҳ ва мазмун бағишлади.

Бўлиб ўтган халқаро форум немис оммавий ахборот воситаларининг ҳам эътиборини ўзига тортди — бу ҳақдаги хабар ва мақолалар ўндан зиёд электрон нашрларнинг саҳифаларида атрофлича ёритилди.

«Жаҳон» АА.
Берлин

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, ўтган йили бу рақамлар тегишли равишда 57,2 ва 56 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда

такомиллаштирилаётгани ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ўтган йили янги тахирда амалиётга татбиқ этилган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Ана шундай, ҳар томонлама пухта ўйланган ва узокни қўлаб олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар

ни ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад ва вазифаларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тамоилларининг устуворлигини кафолатлаш каби долзарб йўналишларда давлат ва жамоат ташкилотлари билан шериклик асосида самарадор тадбирларни рўёбга чиқариш, соҳага та-

Болалар спортини ривожлантириш

соғлом авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга

қиз болаларнинг 47 фоизи, қишлоқ жойларда эса 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётгани, болалар ўртасида олтимшига яқин спорт тури ривожланиб бораётгани янада қувонарлидир.

Шу ўринда соғлом авлодни тарбиялаш ва жамиятда соғлом турмушни қарор топтиришга хизмат қилаётган спортнинг янада оммавийлашу-вини таъминлаш жараёни изчиллик қасб этаётганини айтиб ўтиш жоиз. Мазкур соҳанинг ҳуқуқий механизми давр талабларига ҳамоҳанг равишда

туфайли юртимизда болаларнинг саломатлик ва ривожланиш кўрсаткичлари тобора ўсмоқда, оилаларимизда фарзандларни спортга ошно қилиб тарбиялашга интилиш кучаймоқда, жамиятда соғлом муҳит ва соғлом қарашлар шаклланаётир.

Албатта, бу ютуқларни мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялашдек миллат тақдирини ҳамда келажагига дахлдор ўта муҳим масалаларга янада масъулият билан ёндашиш айна заруратдир. Шунга кўра, кўмитамиз томонидан ҳам болалар спорти-

аллукли қонун ҳужжатлари ижроси устидан парламент назоратини таъминлаш чоралари қўрилади.

Мухтасар айтганда, фарзандларимизни баркамол қилиб вояга етказиш, бунинг учун уларнинг спортга бўлган меҳрини ошириш йўлида кучайратимизни сафарбар этмоғимиз лозим. Зеро, соғлом авлод соғлом келажақ деганидир.

Зайниддин НИЗАМХОЖАЕВ,
Олий Мажлис Сенати Фан,
таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг раиси.

Юқори сифат ва замонавий дизайн

тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж товарлари экспорти кўпайишига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж буюмлари табиий матодан миллий ҳамда замонавий дизайн уйғунлигида тайёрланаётгани туфайли нафақат ички бозор, балки хорижда ҳам тобора хариддоргир бўлиб бораёпти. 2015 йилда янги бозорлар ўзлаштирилиб, Колумбия, Бразилия, Сальвадор, Хорватия, Нигерия каби давлатларга ҳам “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги остида маҳсулотлар етказиб берила бошланган бунинг ёрқин далилидир.

Спорт либослари ишлаб чиқариш мазкур акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Уларга бўлган талабнинг ортиб бораётгани ҳисобга олиниб, ўтган йили 2014 йилдагига нисбатан 12,2 фоиз кўп, яъни 190,8 миллиард сўмликдан зиёд шундай кийимлар ишлаб чиқарилди. Эндилик-

да бу каби либосларни пойтахтимиз ва юртимизнинг деярли барча ҳудудидеа очилган махсус дўконлардан харид қилиш мумкин.

Анжуманда 2016 йилда тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж буюмлари саноатини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда истиқболдаги масалалар бўйича маълумотлар берилди. Унга кўра, хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспорт ҳажминини юксалтириш, болалар спорт кийимлари ишлаб чиқаришнинг янада кўпайтириш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. Яъни йил давомида 32 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши, 1,1 миллиард долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниши, шунингдек, 24 та янги корхона фойдаланишга топширилиши, буларнинг ҳисобига 12700 та иш ўрни яратилиши кутилаётир.

С. ИБДУЛЛАЕВ.

ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ САМАРАЛАРИ

юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш ҳамда рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашда ўз ифодасини топяапти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боис маблағлардан унумли фойдаланиб, улар, асосан, замонавий корхоналар барпо этиш, инфра-тузилма объектлари бунёд қилиш каби аниқ мақсадларга йўналтирилади. Мисол учун, ўтган йили ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга сарфланди. Натижада 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Бундай истиқболли лойиҳалар фармацевтика саноатида ҳам рўёбга чиқарилаётгани импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйиш, экспорт ҳажминини ошириш имконини бераётир.

“Ўзфарманоат” акциядорлик концерни тизимидаги “Med Standard Glass” масъулияти чекланган жамияти ана шулардан бири. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил учун инвестиция дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур корхона шиша ампула ва флаконлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Мутахассисларнинг айтишича, ушбу лойиҳа фармацевтика саноати ривожига аҳамияти ва кўлами жиҳатидан ноёб ҳисобланади. Бу корхонанинг Марказий Осиёда ягона эканлиги билангина эмас, балки ўта мураккаб бўлган тиббиёт шишаси тайёрлаш муваффақиятли ўзлаштирилгани билан изоҳланади.

— Махсус кимёвий таркибдан ташкил топган тиббиёт шишасини ишлаб чиқариш жуда нозик жараён, — дейди мазкур жамият директори Шерзод Жўраев. — Шу боис у дунёнинг санокли давлатларидангина тайёрланади. Улар орасида Ўзбекистоннинг борлиги мамлақати-

миз саноат салоҳияти, халқимизнинг интеллектуал қобилияти юқорилигидан яққол далолатдир. Масалан, ушбу маҳсулотни тайёрлаш учун 12 та модда зарур бўлса, шундан бойитилган кварц куми, кальцийли сода, кальций карбонати, натрий нитрат каби энг муҳим хом ашёлар ўзимизда мавжуд. Бу эса лойиҳанинг муваффақиятини таъминлайпти.

диллар тайёрлашда кенг қўлланилади.

“Med Standard Glass” корхонасида тизимли ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани диққатга сазовордир. Гап шундаки, шиша эритиш цехида тайёрланган дротлар шу ернинг ўзида қайта ишланиб, 2, 5 ва 10 мл.ли ампула ҳамда чекланмаган ўлчамдаги флаконлар тайёрланади. Бошқача айтганда, корхона

Шиша эритиш цехи хорижийннг энг замонавий технологик линияси билан жиҳозланган. Айнқиса, печнинг конструкцияси махсус ишлаб чиқилган бўлиб, у турдошларидан тубдан фарқ қилади. Яъни табиий газда эмас, аксинча, электр энергияси ёрдамида ишлайди.

Цех бир кеча-кундузда 10 тонна шиша эритиш қувватига эга. Ҳосил бўлган суюқ массадан узунлиги 1,2 метрдан 2 метргача, диаметри эса 9 миллиметрдан 30 миллиметрча бўлган дротлар тайёрланади. Мазкур шиша маҳсулотлар нафақат фармацевтика саноати, балки бошқа соҳаларда ҳам муҳим хом ашё ҳисобланади. Жумладан, люминисцент ва энергия тежовчи лампалар, қан-

диллар тайёрлашда кенг қўлланилади. “Med Standard Glass” корхонасида тизимли ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани диққатга сазовордир. Гап шундаки, шиша эритиш цехида тайёрланган дротлар шу ернинг ўзида қайта ишланиб, 2, 5 ва 10 мл.ли ампула ҳамда чекланмаган ўлчамдаги флаконлар тайёрланади. Бошқача айтганда, корхона

киши қизғин иш устидан чиқади. Айнқиса, шакл бериш цехларида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг қўли-қўлига тегмайди. Автоматлаштирилган ускуналар, робот-дастгоҳлар ёрдамида турли ўлчамдаги ампула ва флаконлар тайёрланапти. Эътиборлиси, корхонада 110 нафардан зиёд ишчи-лар меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 40 нафар-

Нилуфар Йўлдошеванинг айтишича, маҳсулотлар сифати доимий эътибор марказида бўлади. Яъни ҳар 30 дақиқада барча дастгоҳдан олинган намуналар дастлаб полиарскоп аппарати ёрдамида текширилиб, кўз илғамас ёриқлар бор ёки йўқлиги аниқланади. Кейинги босқичларда емирилувчанлиги, мустаҳкамлиги ва реакцияга киришмаслиги синовдан ўтказилади. Буларнинг барчаси тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати юқори бўлишини таъминлайпти, пировардида хорижлик ҳамкорлардан ҳам буюртмалар олинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 11 февралдаги “2015 — 2019 йиллар учун тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги қарори корхона фаолияти ривожига янги уфқларни очмоқда. Унга кўра, ишлаб чиқаришга инвестициялар жалб этилиб, маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари қўрилаяпти. Мақсад шиша дрот тайёрлашда маҳаллийлаштириш даражасини 80 фоизга етказишдир.

Мухтасар айтганда, саноат тармоқларида бундай истиқболли лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида Инвестиция дастури доирасида жалб этилаётган сармоялар муҳим молиявий манба бўлмоқда. Шу боис жорий йилга мўлжалланган дастуруга бинаан, умумий қиймати 5 миллиард доллардан зиёд сармоя ўзлаштирилиб, 164 та йирик лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Бу саноатнинг янги йўналишларини йўлга қўйиш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

АКАДЕМИК
САИД ШЕРМУҲАМЕДОВ

Ўзбекистон илм-фани огир жудоликка учради. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, фалсафа фанлари доктори Саид Шермухамедов 2016 йил 16 февраль куни 86 ёшида вафот этди.

С. Шермухамедов 1930 йил 12 майда Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида туғилди. 1948 — 1953 йилларда Самарқанд давлат университетидида таълим олди. Ўқишни тугатиб, ушбу университет аспирантурасида тахсилни давом эттирди. Фалсафа фанининг долзарб масалалари бўйича 1960 йилда номзодлик, 1974 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолиятини биргаликда олиб борган таниқли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими, илмий котиби, директор ўринбосари, республика маориф вазири, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, Ўзбекистон Миллий университетининг кафедра мудирини каби масъулиятли лавозимларда самарали хизмат қилди ва юртимизда фалсафа фанига доир масалаларни илмий тадқиқ этиш, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишида фаоллик кўрсатди.

С. Шермухамедовнинг фалсафа фанининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган монографиялари, қўллаб-рисола ва мақолалари илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Талабчан ва жонқуяр устоз сифатида қўллаб-ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган заҳматкаш олимнинг раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Саид Шермухамедовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ,
Ш. МИРЗИЁЕВ, Ш. СОЛИҲОВ, Ш. СИРОЖИДДИНОВ



ЭЪТИБОР

Андижон саноат ва транспорт касб-хунар коллежидида “Касблар фестивали” бўлиб ўтди. Тадбирга ҳууддаги умумтаълим мактабларининг битирувчи синф ўқувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари тақлиф этилди.

«Касблар фестивали»

Таълимнинг кейинги босқичи арафасида турган ёшлар ушбу даргоҳда бериладиган касблар ва йўналишлар хусусида батафсил маълумотга эга бўлдилар. Қолаверса, билим олиш, хунар сирларини ўзлаштириш, спорт ва бадий ижод билан шуғулланиш учун яратилган шарт-шароитлар уларда катта таассурот қолдирди.

Муассасамизда тахсил олаётган 1500 дан зиёд ўқувчилар тўртта йўналиш бўйича касб-хунар эгаллапти, — дейди коллеж директори Абдумухтор Ҳамроқулов. — Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, даргоҳимизда сув ва газ таъминоти тизимларини эксплуатация қилиш йўналиши ҳам ташкил этилди. Бунинг учун Германия кредити ҳисобига 580 миллион сўмлик ускуналар келтирилиб, ўқув-амалиёт хоналари жиҳозланди. Қолаверса,

темир йўл транспорти ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашга ихтисослашган мутахассислар ҳам тайёрланыпмиз. Ўқувчиларимиз ишлаб чиқариш амалиётини вилоятимиздаги йирик саноат корхоналарида ўтаётгани уларнинг малакали кадрлар бўлиб етишишига замин ҳозирламоқда.

— 85 нафар ўғил-қиз билан “Касблар фестивали”-га келдик, — дейди Андижон шаҳридаги 48-умумтаълим мактаби директори ўринбосари Доноҳон Мўминова. — Улар тадбир давомида тақлиф этилаётган касблар бўйича муайян тушунчага эга бўлдилар. Уйлайманки, бу эзгу ташаббус навқирон авлод вақилларининг келажда жамиятдан муносиб ўрин топишларига кенг имконият яратди.

Саидхамд ШУКУРОВ.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
МОДДИЙ-ТЕХНИКА
ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда хорижий фирма ва ташкилотлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шунингдек, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

Танлов предмети:

- мобилъ алоқа воситалари учун телескопик матчалар;
- криминалистик чамадонлар;
- микрооплар ва оптик анжомлар;
- интерфаол проекторлар.

Эълоннинг амал қилиш ва тақлифларни қабул этиш мuddати — Эълон чоп қилинган санадан бошлаб 30 кун.

Танлов ўтказилиши шартлари бўйича маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этилади:

Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: (+99871) 231-49-73,

252-30-36, 255-78-24.

Факс: (+99871) 281-43-73 (74).

E-mail: umts@mvd.uz

292А/128

Ишлаб чиқариш корхоналари,
ташкilotлар, таълим муассасалари, концертлар, тижорат банклари раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ва унинг Самарқанд, Қарши, Фарғона, Урганч, Нукус худудий филиалларини
2015/2016 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчилар ҳақида маълумот

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 108-уй. Телефон: (0-371) 238-64-60. Факс: (0-371) 235-10-40. Электрон манзил: www.tuit.uz

Т/р	Таълим йўналишлари номи	Битирувчилар сони	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
БАКАЛАВРИАТ йўналишлари бўйича																
1.	Кинотелеоператорлик	27	0	1	2	1	1	1	0	1	1	3	3	0	0	13
2.	Махсус ёритиш технологияси	24	0	0	0	0	4	0	0	0	0	2	7	1	0	10
3.	Аудио-видео технологиялар	47	0	3	0	1	3	3	1	2	1	3	12	2	0	16
4.	Компьютер графикаси ва дизайн	44	1	2	2	1	5	1	0	1	1	3	4	1	1	21
5.	Касб таълими (информатика ва АТ)	188	22	7	3	4	43	3	2	26	0	5	8	21	24	20
6.	Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик	58	2	1	0	3	6	2	2	4	1	3	4	1	0	29
7.	Иқтисодиёт (алоқа ва ахборотлаштириш)	44	2	0	5	1	3	3	1	0	1	2	6	1	0	19
8.	Менежмент (алоқа ва ахборотлаштириш)	41	1	1	1	3	2	4	2	0	0	10	2	2	2	11
9.	Почта хизмати техникаси ва технологияси	72	0	0	1	6	4	2	2	3	0	8	10	1	0	35
10.	Информатика ва ахборот технологиялари	910	73	37	28	19	110	19	31	171	11	24	36	156	81	114
11.	Ахборот хавфсизлиги	80	0	3	11	4	2	6	7	2	1	6	6	5	3	24
12.	Корхона сервис (электрон ва компьютер техникаси)	197	25	8	4	2	29	6	4	42	0	9	4	23	24	17
13.	Телекоммуникация	460	31	9	6	12	61	14	12	68	11	11	44	53	35	93
14.	Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш	115	1	3	1	1	5	4	3	6	6	6	21	2	2	54
15.	Мобиль алоқа тизимлари	55	2	3	1	0	9	1	2	1	1	6	4	1	1	23
Таълим йўналишлари бўйича битирувчилар сони:		2362	160	78	65	58	287	69	69	327	35	101	171	270	173	499
МАГИСТРАТУРА мутахассисликлари бўйича																
1.	Компьютер инжиниринги («Компьютер тизимларини лойихалаш», «Амалий дастурий воситаларни лойихалаш», «Ахборот ва мультимедиа технологиялари», «Ахборот хавфсизлиги, криптография ва криптоатахлил»)	51	1	1	7	5	3	0	2	3	0	4	2	3	4	16
2.	«Электрон ҳукумат» тизимини бошқариш	10	0	1	0	0	1	0	0	3	0	0	1	0	1	3
3.	Дастурий инжиниринг	14	1	0	0	1	4	1	0	2	2	0	0	0	2	1
4.	Телекоммуникация инжиниринги («Ахборот узатиш тизимлари», «Телекоммуникация тармоқлари», «Телерадиоузатиш»)	58	3	1	2	2	5	1	0	5	0	3	2	5	0	29
5.	АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент	10	0	0	0	0	1	1	0	0	0	0	1	1	0	6
6.	Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик	8	0	0	0	1	1	0	0	0	1	0	0	0	0	5
7.	Электрон кутубхона ва архивлар	3	0	1	0	0	1	0	0	0	0	1	0	0	0	0
8.	Компьютер инжиниринги (компьютер тизимларини лойихалаш)	38	7	2	0	1	3	0	1	10	0	0	0	9	5	0
Таълим мутахассисликлари бўйича битирувчилар сони:		192	12	6	9	10	19	3	3	23	3	8	6	18	12	60
Университет бўйича жами битирувчилар сони:		2554	172	84	74	68	306	72	72	350	38	109	177	288	185	559

292А/128

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ
Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

I. Аукцион савдосига Қизилқум тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 9 декабрдаги 19-1504/20139-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизилқум тумани, «Шарқ Истара» ҚФЙ, Янгихаёт маҳалласида жойлашган, Қизилқум тумани, «Истара» МЧЖ ММТПга тегишли, умумий майдони 979,80 кв.м. бўлган, 1 хонадан иборат ишлаб чиқариш биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 75 000 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 9 ноябрдаги 19-1507/17828-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Оқсой маҳалласида жойлашган, «Оқсар шабадаси» хусусий корхонасига тегишли, умумий майдони 42,92 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат савдо дўкони қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 25 000 000 сўм.

III. Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманларо судининг 2015 йил 9 октябрдаги 1-2485-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Нефтичлар маҳалласида жойлашган, жами майдони 216,42 кв.м. бўлган маиший хизмат кўрсатиш ва савдо дўкони қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 187 500 000 сўм.

IV. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 12 январдаги 19-1505/22828-сонли, 2015 йил 9 февралдаги 19-1404/24053-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 90-уйда жойлашган, «Термиз-агротехсервис МТП» МЧЖга тегишли, умумий майдони 2076,60 кв.м. бўлган (В, Г, Д-литерлардаги 22 хонадан иборат) омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 128 370 000 сўм.

2. ФИБ Термиз туманларо судининг 2015 йил 1 июндаги 1-2227-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Рабиндранат Тагор кўчасида жойлашган, умумий майдони 348,75 кв.м. бўлган маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 58 000 000 сўм.

3. Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 5 октябрдаги 18-1507/19488-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, 5-кичик даҳа, 18-«А» уйда жойлашган, «Пахлавон қурилиш локс» ХКга тегишли, 1-қаватда жойлашган, умумий майдони 103,89 кв.м. бўлган 8-сонли ертўла савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.

Бошланғич баҳоси — 147 500 000 сўм.

4. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 14 сентябрдаги 19-1504/14809-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, 5-кичик даҳа, 18-«А» уйда жойлашган, «Пахлавон қурилиш локс» ХКга тегишли, 1-қаватда жойлашган, умумий майдони 172,51 кв.м. бўлган 7-сонли ертўла савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.

Бошланғич баҳоси — 147 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 24 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш қунари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 22 март куни соат 18.00.

V. Аукцион савдосига Шўрчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар тақроран қўйилмоқда:

1. Шўрчи тумани, Амир Темур кўчасида жойлашган, «Йўлдошмурод» хусусий дорихонасига тегишли, умумий майдони 764,58 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 25 хонадан иборат маъмурий бино ва савдо дўконлари биноси 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 198 274 121 сўм.

2. Шўрчи тумани, «Жалоир» ҚФЙ, Ободон маҳалласида жойлашган, ер майдони 5379,33 кв.м. бўлган бостирма, қоровулхона бинолари ва темир-бетон тўсиқ бинолари 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда.

Бошланғич баҳоси — 279 430 868 сўм.

VI. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 октябрдаги 19-1503/16578-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уйда жойлашган, «Бойсун баракат имкон» МЧЖга тегишли, ер майдони 1847,50 кв.м. бўлган (А-литердаги 3-қават худудидаги маъмурий биноси 20 хонадан иборат, Б-литердаги меҳмонхона биноси 12 хонадан иборат, В-литердаги қоровулхона 3 хонадан иборат, Д-литердаги ҳоҳатхона 4 хонадан иборат, а-литердаги асфальт-бетон йўлак, б-литердаги 50,50 п/м дан иборат) девор тўсиқдан иборат маъмурий ва хўжалик бинолари тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 187 000 000 сўм.

VII. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 14 октябрдаги 19-1504/16576-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уйда жойлашган, «Бойсун баракат имкон» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 219,52 кв.м. бўлган, 9 хонадан иборат (А-литердаги маъмурий бионинг 3-қаватидаги) маъмурий бино хоналари тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 111 000 000 сўм.

VIII. Аукцион савдосига Сарийосиё тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 28 июндаги 19-1307/6125-сонли ҳамда 2012 йил 6 июлдаги 19-1203/8578-сонли ундириш ва ФИБ Сарийосиё тумани судининг 2014 йил 8 августдаги ижро варақаларига асосан хатланган, Сарийосиё тумани, Шарғун шаҳри, Собир Раҳимов номидаги МФЙ худудида жойлашган, «Сарийосиё иссиқлик манбаи» ИЧКга тегишли, ер майдони 2100 кв.м. бўлган қозонхона биноси тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 21 374 033 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 11 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш қунари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2016 йил 11 мартдаги савдо учун — 2016 йил 9 март куни соат 18.00.

Аукцион савдоси 2016 йил 11 март куни бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдоси 2016 йил 30 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Тақрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 28 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил:
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри,
Баркамол авлод кўчаси, 32-уй,
«Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.
Телефон: (0-376) 221-77-94.
www.1kms.uz E-mail: rielttsavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001.

290А/2

«SHAD SAVDO ZAMIN» MЧЖ

мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Бухоро вилояти хўжалик судининг ижро варақаларига асосан хатланган, «Қорақўлдонмахсулотлари» АЖга тегишли, Қорақўл тумани, Тошкент кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 20



БҲНЁДКОРЛИК

Бухоро шахрига кираверишда маржондек кўзни яшнатиб турган дов-дарахтлар, маҳобатли биноларга кўзингиз тушади. “Бухоро маданий маркази” деб аталувчи бу сўлим гўшанинг барпо этилганига яқинда беш йил тўлди. Бевосита Президентимиз таклиф ва тавсиялари асосида яратилган ана шу муаззам боғ-хўёбоннинг умумий майдони 107 гектарга тенг. Бу ерда “Кўҳна ва бокий Бухоро” монументи, вилоят мусикали драма театри биноси, ёзги амфитеатр ўрин олган. Марказ қисқа вақт ичида шахарнинг ташрифномасига айланиб улгурди, десак, асло муболага бўлмайд.



Спорт



Терма жамоамиз жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, дарвозабонимиз Рустам Умаровнинг ҳам маҳорат кўрсатганини алоҳида таъкидлаш жоиз. У айти пайтда қўтмамиздаги энг кўчи посбонлардан бири эканини исботлади. Умуман, футболчиларимиз ўзларига билдрилган ишончни оқлашди. Дастлабки муҳим вазио уддаланди. Ўзбекистон футбол тарихида янги саҳифа очилди. Бу ҳар биримизга чексиз фахр бағишлаши, шубҳасиз. Демак, энди буёғига ярим финалда ҳам ғалабали юришни давом эттириш айти мудоадир.

Маълумот сифатида айтиб ўтсак, Ўзбекистон терма жамоаси бундан аввалги Осиё чемпионатларида ҳам яхши натижалар қайд этган. Масалан, 2001, 2006, 2010 йилларда қумуш, 2005, 2007 йилларда бронза медалларига сазовор бўлган, 2004, 2014 йилларда ярим финал босқичига етиб борган. Лекин ўша қитъа биринчиликлари жаҳон чемпионатлари

ўтказилмаган йилларга тўғри келгани боис жамоамиз мундиалда қатнашмаган. Бу галги бахслар эса саралаш босқичи мақомига эгалити билан ҳам диққатга молик.

Қолган жуфтликларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Таиланд — Австралия 6:1, Эрон — Қирғизистон 7:0, Япония — Вьетнам 4:4 (1:2).

Ушбу спорт тури бўйича дунё биринчилигига қўтмамиздан бешта мамлакат жамоаси боради. Регламентга кўра, Осиё чемпионати чорак финалда ютказган термалар ҳам мусобақани тарк этмайди. Улар иккита жуфтликка бўлиниб, куч синашадилар. Фоллиб чиканлар эса ўзаро баҳслашади. Кимга омад қулиб бокса, ўша Жанубий Америкада бўладиган мундиалнинг бешинчи йўлланмаси соҳибига айланади.

Ярим финалда ҳамюртларимиз Таиланд, Эрон футболчилари эса Вьетнам вакилларига қарши ўйнайди. Беллашувлар 19 февраль куни ўтказилади.



«Насаф» — суперкубок соҳиб

Кеча Тошкентдаги “Бунёдкор” стадионида футбол бўйича Ўзбекистон суперкубоги учрашуви бўлиб ўтди.

Унда амалдаги чемпион “Пахтакор” (Тошкент) ҳамда мамлакат кубоги соҳиб “Насаф” (Қарши) жамоалари ўзаро куч синашди. ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошқарган ўйин қизиқарли ва мурасасиз кечди. Беллашувнинг 40-дақиқасида қаршиликларнинг тажрибали ярим ҳимоячиси Артур Геворкян ҳисобни очди ва бу гол ягоналигича қолди. Шундай қилиб, Рўзикул Бердиев шогирдлари суперкубокни қўлга киритишди.

Автопойга мусобақалари

Жиззахда автопойга бўйича мамлакат кубоги мусобақалари нихоясига етди. Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, Ўзбекистон миллий автомобиль федерацияси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувларда Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Наманган вилоятлари ва Тошкент шахридан 10 дан зиёд спорт клуби аъзолари қатнашди.

Якунда Жиззах вилояти техник ва амалий спорт турлари маркази вакиллари Ўзбекистон кубогини қўлга киритди. Тошкент шахри Шайхонтоҳур тумани ўқув спорттехника клуби жамоаси иккинчи, Жиззах автомобиль мактаби автопойгачилари учинчи бўлди.

Тўрт русумдаги автомобиллар бўйича ўтқа-

зилган шахсий биринчиликда эса мезбонлардан Асқар Хасанов, Темур Нарзикулов, Умид Соатов, Тошкент вилоятидан Антон Туманов маррани ҳаммадан олдин кесиб ўтди.

Фоллиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

С. МАХСУМОВ тайёрлади.



Бухоро: ИЛМ-МАЪРИФАТ ЗИЁСИ

— Боғда 51 турдаги 28 мингдан ортиқ дарахт кўчати ўтказилган, — дейди шахар ободонлаштириш бошқармасининг маданий марказ бўлими бошлиғи, “Шуҳрат” медали соҳиб Хайриддин Қосимов. — Шундан 11 турдагиси хориждан келтирилган каштан, эман, қора қарағай каби ноб ёд дарахт ва буталардир. Уларнинг атроф-муҳит мусофоллигини мўътадил сақлаб туришдаги аҳамияти катта. Бу дарахтлар нафақат кўркамлиги, балки ўзидан кўп миқдорда кислород чиқариши билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

— Дунёда маҳобатли иншоотлар, монументлар кўп, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, меҳнат фахрийси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиб Бехбўд Жумаев. — Лекин бирорта шахарга бағишлаб қурилган монумент ҳақида ҳеч эшитганмисиз?! “Кўҳна ва бокий Бухоро” мажмуаси мисолида шариф шахримизга ҳайкал қўйилди, десам янглишмаган бўлман. Ҳар гал бу ерга невараларимни бошлаб келганимда, улар кўзида қувонч, фахрифтихор, гурур ҳиссини кўрман. Негаки, мажмуада “Биз киммиз? Кимларнинг авлодимиз?” деган саволларга тавон ва аниқ жавоб муҳассам. Бу боғ Юртбошимизнинг биз, бухориликларга бебаҳо тухфасидир.

Дарҳақиқат, мазкур муҳташам мажмуада элимизнинг бунёдкорлик, яратувчилик гайрат-шижоати муҳассам. Қувонарлиси, шахарда бу каби гўзал иншоотлар тобора кўпайиб бормоқда. Инфратузилма ривожланаяпти. Замонавий ўқув муассасаларини айтмайсизми?! Аиниқса, Бухоро муҳандислик-технология институтининг янги ўқув биноси гўзал меъморий ансамбль сифатида бу кўҳна ва бокий кентга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди. Бир-бирига уйғун тарзда қурилган учта бино ахлит меъморий ечимга эгалити билан эътиборни тор-

тади. Бу ердаги бунёдкорлик ишларига давлатимиз томонидан 2012 — 2014 йиллар давомида 30 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланди. Айти пайтда мазкур олиё ўқув юртида беш минг нафардан зиёд талаба ўнга яқин таълим йўналишида сабоқ олмоқда. Институт халқ хўжалиги, хусусан, “Навоий” эркин индустриал-иктисодий зонаси учун малакали кадрлар етиштириб бормоқда.

Умумий майдони 6,5 гектарни ташкил этган Фавворалар майдони ҳам Бухоро кўракига



кўрк қўшган иншоотлардан биридир. Мазкур гидроиншоотдан сув 20 метр юқорига навалор оҳангига мос тарзда отилади. Тероналар репертуари асосини эса миллий мусиқамиз, жумладан, Бухоро шашмақоми намуналари ташкил этади. Сув, нур ва оҳанглар уйғунлиги киши кайфиятини янада кўтарди. Бу ерда сайр қилишнинг гашти бўлакча. Шунинг учун ҳам майдон доимо одамлар билан гавжум.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлгимизни, инсоний ҳақ-қуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ҳамда анъаналаримизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимизнинг табарруқ номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шаклланти-

риш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқўёс имкониятлар очиб берди. Бухородаги ўзгариш ва янгилашлар бунга яққол мисол. Зеро, дунёда шариф шахарлар санокли. Не бахти, шулардан бири Бухородир. Илму зиёси, юксак маърифати, муқаддас қадамжолари, бокий обидалари, дину диёнати, меҳмондўст ва меҳнатсевар одамлари билан шарифлик мақомига эришган Бухоро, неча юз йилларки, олам ахлини ўзига оҳанрабодек тортиб келаяпти. Хусусан,

обидалар ҳамда мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлар халқингизнинг юксак салоҳиятидан далолат бериб турибди. Менга, аиниқса, тунги Бухорони сайр қилиш бир олам завқ бағишлади. Шаҳарни юлдузли осмон остидаги қошонага ўхшатдим.

Юртингизда барчага хайрихоҳ, қалби очик инсонларни кўп учратдим. Дунёда меҳр-оқибат камайиб бораётган паллада Ўзбекистон халқи самимий, меҳмондўст, танти, бағрикенг эканлигини кўриш жуда ёқимли.



Европалик меҳмоннинг эътироф этганича бор. Истиқлолнинг қадр-қиммати, халқимиз тақдирдаги аҳамияти қадим Бухоронинг миноралари каби юксакдир. Ўзининг бетакрор обидалари, осорияткалари, минг йилларга бориб тақаладиган маданияти билан дунё нигоҳида турган ушбу кент мустақиллик йилларида мунаввар тонг каби тиник тортиди. Қаровсиз қолган ёдгор-

Шу далил ва рақамларнинг ўзиёқ қадимий ҳамда ҳамиша навиқрон шахар бунёдкорлик оғушида эканини кўрсатади. Бухорои шариф ҳақидаги мақоламизни эса Юртбошимиз айтган қуйидаги сўзлар билан якунламоқчимиз: “Мен ҳар гал мўътабар Бухоро заминига қадам қўяр эканман, юрагимни чуқур фахр-ифтихор туйғуси қамраб олади, кўнглим қандайдир равшан тортади. Заҳматкаш ва бағрикенг Бухоро ахли билан, томирида ота-боболаримизнинг шижоати жўш урган, юз-кўзида илм-маърифат зиёси акс этиб турган бу юрт фарзандлари билан учрашиш, улар билан суҳбатда бўлиш менга доимо катта мамнуният бахш этади”.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Устоз — шогирд» мактаби

хунармандчилик соҳада ҳам ибрат кўрсатмоқда

Инсон меҳридан яралган зебу зийнатлар, уй-рўзгор буюмлари, ипак матолар, сопол ва чинни идишлар йиллар, асрлар ўтса-да, ўз қадр-қийматини йўқотмайди. Аксинча вақт ўтган сари янада жилоланиб, қадри юксалиб бораверади.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қадимий хунармандчилик ва амалий санъат ривожига давлат миқёсида эътибор берила бошланди. Бу борада Президентимизнинг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришнинг янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳар бир халқ, миллатнинг бир-биридан ажралиб турадиган урф-одатлари, анъаналари бўлгани каби хунармандчиликда ҳам ясалган буюмларга қараб унинг қайси мактабга хос эканини аниқлаш мумкин. Хусусан, кулолликнинг Риштон мактабида мовий ва лохувард рангдан кўп

қойдаланиш кузатилади. Бугун биз ана шу хунар ортидан қўллаб ютуқларга эришдик. Бир неча бор юртимиз ва чет давлатларда ташкил этилган кўргазма-савдолар, маданий-маърифий тадбирлар, танловларда қатнашиб, совриндорлар қаторидан ўрин олдик. Чунончи, “Ташаббус” қўриқтанловининг “Энг яхши хунарманд” номинацияси фоллиб сифатида энгил автомашина билан тақдирланди.

Ҳар бир хунарнинг ўзига хос жиҳатлари бўлгани каби кулоллик санъати ҳам ижодкордан ўта кўнгли бўлишни талаб этади. Бугунги кунда ҳам акам, ҳам устозим Алишер Назиров раҳбарлиги ва шогирдлар иштирокида тайёрлаган маҳсулотларимиз, жумла-

дан, лаган, кўза, уй-рўзгор ва совгабон буюмлар нафақат ўзимиз, балки АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Испания сингари қўллаб-қувватлардаги музейлару шахсий коллекцияларни ҳам безаб турибди. Хатто, бир неча йилдан буён япониялик ҳавасманд ёшларга кулоллик сир-синаотларини ўргатиб, улар билан ҳамкорлик қилиб келаяпмиз.

Миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, уларга касб-хунар ўргатиш максатида “Устоз — шогирд” мактаби фаолиятини йўлга қўйганимиз. Бугун ушбу соҳага қизиққан ўғлаб-ёшлар завқ билан хунар ўрганапти. Уларнинг асарини коллеж битирувчиларидир. Юртимизда интилиб, изланган ёшлар учун улкан имкониятлар яратилмоқда. Ҳозирги вақтда, бир қатор шогирдларимиз банкдан кредит олиб, ўз мустақил ишини бошлагани устоз сифатида бизни гоёятда қувонтиради.

Асрлар оша яшаб келаятган ўзбек миллий хунармандчилиги бугун ҳам тадбиркорлик ва яхши даромад манбаи ҳисобланади. Яна бир эътиборли жиҳати, биз, хунармандлар томонидан яратилаётган буюмлар пойтахтимиздаги бир қатор маданият марказлари, кўргазма залларида уюштирилаётган савдо-ярмаркаларида намойиш этилмоқда. Ифтихор билан айтишим мумкинки, меҳнат қилган, янгиликка интилиб яшаётган ҳар бир хунарманднинг рўзғори обод, дастурхони тўкин. Бундай юксак эътибор ва имкониятлар эса ёшлар орасида хунар ўрганишга интилаётганлар сафининг янада кенгайишга сабаб бўлмоқда. Биз эса, оддий тупроқдан бежирим буюмлар ясаб, миллий хунармандчилик санъатининг бардавомлигига, ўзбек кулоллик санъати довуруғини янада оширишга ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Бахтиёр НАЗИРОВ,
Республика «Хунарманд» уюшмаси аъзоси.

ФАМХҲҮРЛИК

Чустлик Муроджон Аҳмадалиев — Олимпиада уйинларига йўлланма олган иктидорли спортчиларимиздан бири. Яъни у 2015 йили Қатар давлатининг Доха шаҳрида ташкил этилган бокс бўйича XVIII жаҳон чемпионатида қумуш медални қўлга киритганди. Вилоят марказидаги “Баркамол авлод” спорт мажмуасида истеъдодли чарм қўлқоп устасини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Истеъдодга муносиб рағбат

— Нуфузли мусобақада 56 килограмм вазн тоифасида Италия, Қозоғистон, Таиланд ва Ирландия давлатлари вакилларига қарши рингга чиқиб, муваффақият қозондим, — дейди М. Аҳмадалиев. — Бу ғалаба, ўз навбатида, мен учун жорий йилнинг ёзида Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтадиган XXXI Олимпиада уйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берди. Айти пайтда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида ўқиш билан бирга, мусобақага жиддий тайёргарлик кўраяпман.

Фахрий спортчилар, иктидорли ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган маросимда

жаҳон чемпионати совриндорига “Cobalt” автомашинаси қалити тантанали равишда топширилди. Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, жумладан, ёш иктидор эгаларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўллаб-қувватлаш тўғрисида тўхталиб, бунга жавобан янги авлод вакиллари халқаро майдонларда Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга муваффақ бўлаётганликларини мамнуният билан таъкидладилар.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 141 724 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун ОА-қоғозини телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўқонлар (0-371) 232-11-15.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайд.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.

Навбатчи — Ю. Бўронов.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6